

Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: xalksuzi@uzpak.uz

2003 йил 21 ноябрь, №237 (3349)

Жума

КОНСТИТУЦИЯ ВА ИЖТИМОЙ БАҒРИКЕНГЛИК

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази мамлакатимиз аҳолиси асосий этник гуруҳларнинг миллий ўзлигини англаши аҳоли ва ривожланиши устидан доимий ижтимоий мониторинг олиб боради. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 11 йиллиги арафасида аҳоли ўртасида "Миллий ўзлигини англаш" мавзусида сўров ташкил этилди. Бу сўров барча вилоятларда тедқиқот институтларининг ишончилиги ва репрезентативлигини таъминлаган эҳтимолий тенлаш услуби асосида ўтказилди. Бунда натижалар таҳлили 1999-2002 йилларда ўтказилган аввалги сўровлар натижалари билан таққослаган ҳолда амалга оширилди.

Сўров натижаларидан кўринадики, республикамиз фуқаролари, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши ва маъқеидан қатъи назар, Ўзбекистон Конституциясини давлатнинг демократик асосидир, ижтимоий адолат тамойиллари, жаҳонда тан олинган инсон ҳуқуқ ва эркинликларига содиқлиги кафолати деб ҳисоблайди. Асосий Қонун ҳар бир шахсга бағрикенглик, ҳурмат билан муносабатда бўлишни талаб қилади, бу эса ҳам миллий, ҳам умуминсоний қадриятларга мосдир.

ички миллий бирдамликни асосий омил деб ҳисоблайди. Бу борада сўралганларнинг 43,6 фоизи давлат ва фуқаролар бирдамлигининг, 11,4 фоизи эса диннинг роли катта эканини қайд этди.

Ўзбекистон аҳолиси давлат мустақиллигига эришишни мамлакат ҳаётидаги энг муҳим тарихий воқеа деб ҳисоблайди. Бу эса мазкур масалани жамоатчилик фикрининг шаклланиши ва умумфуқаролик позицияси юзига келтирилгандалоқ беради.

Бундай ҳулоса "Ўзбекистон байроғини кўргангизда ва Давлат маҳфиясини тинглаганингизда нималарни ҳис қиласиз?" деган саволга жавобларда ҳам ўз тасдиғини топган. Сўралганларнинг аскарияти (92,2 фоиз) "фахрлиниш туйғусини" деб жавоб берган.

Фуқароларимиз ижтимоий фикрида демократик давлатнинг асосий устуворликлари акс этган. Буни "Ўзбекистон тараққийотида ҳамма нарсадан кўра нима кўпроқ ёрдам беради?" деган саволга берилган жавобларда кўриш мумкин. Уларнинг таҳлили аҳоли фуқаролик позициясининг ўсганини кўрсатади. Сўралганларнинг 53,9 фоизининг фикрича, бу "маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ижтимоий адолатнинг таъминлашида" ўз ифодасини топган. Мамлакат аҳолиси учун иқтисодий ҳаётни янада эркинлаштириш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадқиқот ўзбекистонликларнинг фуқаролик этикидаги даражаси, ватанпарварлик, Ватанга садоқати қандай тушунишни аниқроқ белгилаш


имконини берди. Жумладан, сўровда иштирак этганларнинг кўпчилиги учун бугунги кунда Ватан "мустақил Ўзбекистон", "инсон туғилган жой" ва "улғайган жой"ни англатади. Уларнинг аксарияти ўзини мустақил Ўзбекистоннинг ватанпарварлари деб ҳисоблайди (90,7 фоиз), ватанпарварлик деганда Ватанга фидойи хизмат қилиш (54,8 фоиз) ва унга бўлган муҳаббатни тушунади (38,5 фоиз).

"Сиз учун Ўзбекистон нима англатади?" деган саволга сўралганларнинг 66,5 фоизи миллатидан қатъи назар "менинг Ватаним", ҳар тўрт кишининг бири "менинг уйим" деб жавоб берган. Айтилган кўпчилик (83,7 фоиз) бошқа мамлакатда яшашни истамайди, "дунёда Ўзбекистондан яхши мамлакат йўқ" деб ҳисоблайди.

Бугун аҳолининг ҳаммаси бир тилда сўзлашадиган, бир динда ибодат қиладиган, бир хил миллий аъёналарга эга бўлган мамлакатни топиш қийин. Сўров давомида сўралганларнинг аксарияти (86,9 фоизи) Ўзбекистонда миллати ва динидан қатъи назар фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига амал қилинаётганини таъкидлаган.

Ўзбекистон аҳолиси мустақиллик йилларида мамлакатда эришилган тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролар тотувлигини юқори баҳолайди. Сўралганларнинг 93 фоизи шундай фикр билдирган. Республика аҳолиси Президент Ислам Каримов томонидан олиб борилган ишларни баҳолашда ва самарали миллий сиёсатни барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролар тотувлигининг асосий кафолати деб ҳисоблайди. Бу эса аҳоли Ўзбекистонда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилган ишларни тўғри ҳисоблаганини кўрсатувчи мезонлардан бирidir.

"Ижтимоий фикр" маркази материаллари асосида
Ў.А. МУХБИРИ А. ИВАНОВА тайёрлади.



ТАШАББУСНИНГ ҚАНОТИ БОР

Аҳоли турмуш маданиятини юксалтириш ва фаровонлигини ошириш мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлорнинг маъноси таъкид қилди. Шу тўғрисида Наманган вилояти Янгйўл тумани ҳокимлиги бу масалага жиддий ёндашмоқда. Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг "Қишлоқ аҳоли яшаш жойларини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори уларга дастуриламал бўлмоқда. Ўтган тўққиз ой

мобайнида бу борада улкан ишлар амалга оширилди. Режадаги 26,6 километр ўрнига 31 километр узунликда газ қувурлари тортилди. Бунинг 25,2 километри тумanning ички имкониятлари ҳисобидан амалга оширилди. Сақиз ойда хонадонларни табиий газ тармоғига улаштириш режаси 170 физига адо этилди. 584 ўрнига, 995 хонадонда зангори олов ёнди. Бугунги кунда тумандаги 14300 хонадонда табиий газ порламоқда. Айтилган уларнинг 6702 тасига газ ҳисоб-

лагичлар ўрнатилган. Бу ҳам режада кўзда тутилганидан анча кўдир.

Хуллас, ташаббускор газчиларнинг таърибаси кенг қулоч ёзмақда. Бу эса аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ишлорлардаги фаоллигини оширмоқда.

СУРАТДА: "Янгйўл туманининг ишлаб чиқариш бўлими муҳандиси Абдуллажон Собиров.

Т.ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Кеча БМТнинг Наркотик моддалари ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг Ўрта Осиёдаги ваколатхонасида умумий қиймати 170

Ишончли тўсиқ

минг АКШ доллари миқдорида бўлган замонавий асбоб-ускуналарни мамлакатимиз ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларига топшириш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда соҳага тегишли барча ҳуқуқ-тартибот идораларининг вакиллари иштирок эттиди. Мутахассисларнинг фикрича, эндиликда гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланувига қарши курашишни самарали кечиришда мазкур асбоблардан кенг фойдаланилади.

Ю.НУС БУРОНОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Пойтахтимизда

Вақт — пул, ахборот ҳам

Кеча пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Тадбиркорларни ахборот борасида қўллаб-қувватлаш "Заковат" ижтимоий жамағатмаси ва "Ўзэкспомарказ" ҳамкорлигида "INFO-BIZNES 2003" кўргазмаси иш бошланди. Унда 60 дан ортиқ ахборот соҳасида тадбиркорлик фаолиятини бошқариш билан шуғулланаётган, кичик бизнес намоёндаларига зарур бўлган ахборот тарқатадиган фирмалар, шунингдек, кичик бизнес учун ахборот лойиҳаларига ҳомийлик қиладиган халқаро ташкилотлар иштирок этмоқда. Кўргазмани ташкил қилишдан асосий мақсад — тадбиркорларга бизнес фаолиятини ривожлантиришда, бозорда савдо битимлари тузишда ахборотнинг ўрни тўғрисида маълумотлар беришдан иборатдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида ахборот тейёрлаш ва ахборот алмашиш, ахборот олишнинг янги технологияларини жорий этишнинг аҳамияти катта. Кўргазмани кўздан кечиран эканмиз, ахборот оламида мулк шакли турли хил бўлган компания, фирма, жамият ва гуруҳлар фаолият кўрсатаётганлигига гувоҳ бўлдик. Айниқса, уларнинг жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган даражада иш юритаётганлиги кишини қувонтиради. Масалан, "KALEON" компанияси газета ҳамда журналлар обунаси билан шуғулланади. Жамоа ахборот бозорини етти йилдан бери фаолият кўрсатиб келмоқда. Унинг мижозлари тобора кўпайиб бораётди. "Менинг мулким" газетаси эса тадбиркорларга мўлжалланган. Газета саҳифаларида бизнес режа тузиш, ишбилармонларнинг ҳуқуқлари, ҳокимият органларининг ваколатлари тўғрисида мунтазам равишда маълумотлар бериб борилади.

Кўргазма ўз ишини давом эттирмоқда.
Ҳ. КАРИМОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Жойлардан хабарлар

Фермерлар сафи кенгайди

Шовот туманининг "Гулистон" ширкат ҳўжалигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2006 йилларда фермер ҳўжалиқларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони талаблари бажарилиши бўйича ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Семинарда ташкил этиладиган фермер ҳўжалиқларига хизмат кўрсатиш инфратузилмаси ташкил этиш, танловлар ўтказиш тартиблари бўйича маслаҳатлашиш олинди. Шунингдек, ижара муносабатлари, ерларни ижара бериш масалалари кўриб чикилди.

Ойбек РАҲИМОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Жаҳон бозориди сотилган «ЎздЭУавто» русумидаги автомобилларнинг сони 14 мингта ташкил этмоқда. 2004 йилда бу ракам ўттиз мингга етади. Мутахассисларнинг фикрича, 2006 йилга бориб Асакадаги заводда 120 минг донга автомобиль тайёрланади.

Конвейерда «Матиз»лар

Келаси йилнинг март ойидан бошлаб «ЎздЭУавто» «Тико» русумидаги автомобилларни ишлаб чиқаришни тўхтади.

Эндиликда Асакадаги цехлар ва конвейерларда «Матиз» ва «Ласетти» автомобиллари ишлаб чиқарила бошланади. Автоматик узатув қутисига эга ва бошқа янгиликлар киритилган 54 донга «Матиз» савдога чиқарилиб, уларнинг соҳибларидан дастлабки ижобий ҳулосалар олинди.

«Туркистон-пресс».



Газетамизда эълон қилинган "Ушовидан тушови қиммат қурилушлар" (2003 йил, 11 июль) мақоласида Самарқанд вилоятидаги бир қатор қурилушларда олиб борилган таъмирлаш ишларининг самарасиз ташкил қилинганлиги хусусида баён этилган эди. Таҳририятимизга мазкур мақола юзасидан Самарқанд вилояти ҳокимининг ўринбосари Л.Ф.РАДЬЯН жавоби билан расмий имзо берди. Унда жумладан шундай дейилади:

«Халқ сўзи» назоратида

Қурилушларда ўзгартиш бўлди

"Мақола юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Тадбир асосида бош пудратчи "Саховат" маъсулияти чекланган жамияти ва "Дорбат" хусусий корхоналари томонидан Пахтачи тумани Зиёвуддин кўрганидаги "Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби" ва Пастдаргон туманидаги Чархин ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежидаги камчиликлар тугатилган. Бу ҳақда вилоят ҳокимли-

Кечга қолган армон қилур

Мухтарам газетхон!

Ҳозирги замонда жамият қонунлари, меъърий ҳужжатларни билмасдан яшаб бўладими? Мамлакатимизда, Ер юзида рўй берган воқеалардан беҳабар юриш мумкинми? Кундалик газетани кузатмай, замондан ортда қолиш тўғри келадими?

Йўқ, дейсизми? У ҳолда вақтни бой бермай «Халқ сўзи»га обуна бўлинг.

ГАЗЕТА:

Бу — ҳаётимиз кўзгуси
Ҳам тафаккуринг кўзи.
Сизга ҳамроҳ, маслаҳатгўй,
содиқ дўстдир — «Халқ сўзи»!

Нашр индекси — 229

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Болгария Республикасига давлат таширфига доир

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Болгария Республикаси Президенти Георги Парванов таклифига биноан 2003 йил 24-26 ноябрь кунлари давлат таширфи билан Болгарияда бўлади. Таширф чоғида ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳоли ва истиқболлари ҳамда томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар муҳокама этилиши, қатор муҳим ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

Анвар ОБИДЖОН, Ўзбекистон халқ шоири.

Кутубхоналар кўп... китоблар-чи?

Одамзот турмушининг ибтидоси ёввойилиқдир. У минг-минглаб йиллардан буён такомиллашиб келётган жамиятчилик тартиб-қоидалари босими остида нечоғлик маданий кўриниш касб этган бўлмасин, ўз эҳтиёжини ёввойиларча олғирлик билан қондиришга асосланган тугма инстинкт вужудининг қайсида нусқасида барибир сақланиб турибди. Бу инстинкт, одам боласи эс-ҳушини таний бошлаган палладан эътиборан, уни инсонийликка хос фикрли ташаббусдан, онгли итбатдан, мазмулли меҳр-муҳаббатдан, мақсадли бурч ва маъсулиятдан нари бўлган ваҳшийлик жинкўчалари томон тортиқлайверади, уни аслига қайтаришга уринаверади. Одамни ёмонлик жинкўчаларидан четлатиб ўта олувчи ҳаётбахш йўл яхши тарбиядир. Яхши тарбияни шакллантирувчи омилар ичида китобга тенг келадигани йўқ. Китоб истган вақтингда хоҳлаганча суҳбатлашиш, қайта-қайта фикрлашиш мумкин бўлган, доимо ҳозир у назир устождир.

Бугуннинг гапи

Бугун жаҳондаги мустакил юртлар сафида буй кўрсатиб турганлигимиздан фахрланаётган эканмиз, миллатимиз онгда «мен»ликни уйғотишда, шу кўтлук қўнларга етиб келишимизда ўша устознинг беқиёс хизмати, улкан ҳисаси борлигини эҳтиром билан ёдга олмасдан ўтмаймиш.


Истиклолдан сўнг ҳукуматимиз ёш авлодни оламга доғру таратган аждодларимизга муносиб, тезкор замон билан басма-бас одимламоққа қодир қилиб тарбиялашга, ҳам маънавий, ҳам жисмоний баркамол этиб воғга етказишга алоҳида аҳамият бериб келмоқда. Жумладан, китоб орқали тарбиялаш масаласи ҳам назардан четда қолаётгани йўқ. Энг муҳими, миллатимиз гурудини атайлаб тахрирчилик дарсликлардан, истибоддиннинг кўринмас зиндони хўжайинларига хизмат қилувчи қизилчопон бадий асарлардан тўлиқ халос бўлдиқ. Буюк боболаримизнинг биздан яшириб келинган бебаҳо мерослари яна фарзандларимизга қайтарилмоқда, шуларга монанд тарзда янгилари яратилмоқда.

Ҳа, қисқа вақт ичида бу жаҳонда талай ишлар қилинди, катта ютуқларга эришилди. Бироқ, ютуқлар соясида камчиликларга беради қарашга ҳам ҳаққимиз йўқ. Шулардан энг кўзга ташланаётгани китоб савдосининг бирмунча издан чиққанлиғидир. Президентимизнинг бу ти-

(Давоми 2-бетда)

Обуна

2004



Содиржон УСМОНОВ, Марказий банкинг Фаргона вилояти бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи:

— Булажак анжуман кун тартибидан урин олган «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуннинг янги тахрирдаги лойиҳасини мамлакатимиз валюта бозорига туб бурилишлар, ўзгаришлар даври бошланганлигининг самараси деб биламан.

Мазкур Қонуннинг амалдагиси қабул қилинган пайтда ҳали миллий валютани эркин алмашуви ҳақида сўз ҳам бўлмаган эди. Мана, шу йилнинг 15 октябрида биз, банкирлар, айниқса, хўжалик юритувчи субъектлар, ишбилармонлар, тадбиркорлар томо-

Олий Мажлисининг XIII сессияси олдидан

Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси кун тартибига киритилаётган масалалар нафақат депутатлару мутасаддиларда, балки аҳолининг бошқа қатламлари орасида ҳам қизғин баҳслар уйғотаяпти. Шунга кўра муҳбиримиз айрим муштарийлар фикри билан қизиқди.

ТАДБИРКОР МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

нидан орзиқиб қутилган воқеа содир бўлди. Валюта бозоридидаги барча тўсиқ ва чекловлар олиб ташланди. Бу имконият, шароитни қонуний ҳимоя қиладиган ҳужжат зарурлигини даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Янги тахрирдаги «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси (янги тахрирда) Олий Мажлис сессияси кун тартибига киритилгани ана шу жиҳатдан айтиш мумкин бўлди, деб ҳисоблайман. Валюта бозоридидаги ян-

гилик жорий этилганига бир йилдан ошди. Хўш, бу жаҳада қандай ўзгаришлар кўзга ташланмоқда? Маълумки, илгарилари экспорт-импорт шартномалари Ташкилот алоқалар агентлигидан рўйхатдан ўтказиларди. Эндиликда бу тўрачиликка барҳам берилди. Мана, натижаси: агар шу йилнинг дастлабки 9 ойида атиги 4 та конверсион импорт шартномаси тузилган бўлса, валюта эркинлашуви жорий этилганидан сўнг вилотимизда-

ги 6 та ваколатли банк 16 та корхонанинг 42 та конверсион шартномасини тузишга эришди. Фуқаролар ҳам энди валютани хуфёна йўллар билан эмас, эмин-эркин, дунёдаги ривожланган банкларда русм бўлган қонунқоидалар асосида бемалол алмаштиришмоқда. Султонбек СОБИРОВ, «СТП Пласт» хусусий корхонаси раҳбари (Тошлоқ тумани): — Маҳсулот ишлаб чиқарувчилар учун хомашё ва тайёр товарни сотиш

асосий муаммо ҳисобланади. Бу борада фермерларга ҳавасимиз келар эди. Чунки уларнинг манфаатини ҳимоя қиладиган қатор қонунлар бор. Энди биз, хусусий корхона эгалари ҳам кўкрагимизни баланд кўтарадиган қонунлар яқин. Чунки Олий Мажлисининг навбатдаги сессиясида «Хусусий корхона тўғрисида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама қилиниб, лозим топилса, қабул қилинади. Мен ушбу қонун лойиҳасидаги хусусий корхона эгаларининг манфаатлари ифода этилган моддани янада кенгайтиришни, аниққса, унда валютани эркинлашуви туфайли пайдо бўлган имкониятлар ҳам ўз ифодасини топишини истар эдим. Сўхбатдош Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» муҳбири.

Пахта толаси — хорижга

Жиззахда фаолият кўрсата бошлаган «Пахта кортолабазаси» масъулияти чекланган жамият деҳқонларимиз етиштирган сифатли хомашёни истеъмолчиларга ва ҳатто хорижлик харидорларга вақтида етказиб бериш масъулиятини олди. Янги корхона фаолиятининг самараси ҳозирда қўзга ташлана бошлади. Жамоа бу йилги хомашёдан Буюк Британия ҳамда швейцариялик саноатчиларга маҳсулот жўнатиб улгуришди. Америка Қўшма Штатлари, Бельгия каби мамлакатлар вакиллари билан янги-янги шартномалар тузилаёпти.

ИҚТИСОДИЁТ янгиликлари



Узунда мармар цехи

Узун туманида саноат — ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришга катта аҳамият қаратилмоқда. Хозирга қадар қурилиш ишлари билан шуғулланиб келган «Нур-М» хусусий фирмаси раҳбари Акбарали Камоловнинг ташаббуси билан туманда саноатнинг янги тармоғи — мармар плиталар ишлаб чиқариш йўлига қўйилди. Туман ҳудудидаги Хондза тоғ тизмалари бағридан келтирилаётган мармар хомашё ишлаб чиқарувчиларга кўл келмоқда. Илгари юзлаб километр масофа босиб, қўшни Қашқадрё, Самарқанд вилоятларидан мармар плиталар олиб келина эди, — дейди «Нур-М» хусусий фирмаси товаршунос Шарафидин Камолов. — Биз тайёрлаётган мармар плиталар нафақат арзон, балки сифати ҳам аъло. СУРАТДА: товаршунос Шарафидин Камолов, механик Абдумурод Хўжанов ва фирма мутахассиси Баҳриддин Камолов тайёр мармар плиталар сифатини кўздан кечирмоқда. Шомурод ШАРОПОВ (ЎЗА) олган сурат.

«Кардиомед» шифохонаси

Фаргона вилоятидаги хусусий шифохоналар яна биттага ортди. Вилот марказининг азим чинорлар соя солган Хўжанд кўчасида «Кардиомед» шифохонаси иш бошлади. Барча замонавий талабларга жавоб берадиган шифо масканида асосан юрак қон-томир касалликлари, қон босими, қанд касалиги билан оғриган беморлар дардларига даво топилади. Бу ерда оддий ташхис қўйишдан қоннинг мураккаб таҳлилигача бир зумда аниқлаб берадиган ускуналар қўйилган. Ҳ. ШАРОПОВ (ЎЗА) олган сурат.

Кутубхоналар кўп... китоблар-чи?

(Давоми. Боши 1-бетда).

Иккинчидан, кутубхоналарга илгаридек марказлашган ҳолда китоб тарқатиш камайиб, маҳаллий бюджетдан ўтказиладиган пулга ўзлари сотиб оладиган бўлишди. Бу даврга келиб, кутубхоначилар кўз остига олиб юрган энг ўқимишли китоблар, аввало, болаларга аталган китоблар аллақачон сотилиб кетган бўлади ва улар борига барака қилиб, турли муаллифлар ўз ҳисобидан бостириб, дўконга насияга ташлаб кетган мазмунсизроқ китобларни олишга, ижтимоий-сиёсий мавзудаги асарларни керагидан кўпроқ харид қилишга мажбур бўлишди. Вилотлардаги китоб савдоси ташкилотларнинг камҳаржлиги туфайли, қанчадан-қанча яхши китоблар пойтахтдаги дўконларда, омборхоналарда тикилиб ётган бир пайтда, жойлардаги дўкон ва кутубхоналарнинг аҳоли шу даражада ночорлиги ачинарлидир.

лиши, тажрибали ўқитувчилар иштирокида атрофлича муҳокама қилиниши, ўринли тақлиф ва эътирозлар асосида қайта кўриб чиқилиб, камида 5-6 йиллик танлаш-фусдан сўнггина бошқатдан чоп этилиши мақсадга мувофиқдир. Бунда, аввало, давлатнинг қанчадан-қанча қоғози тежаллади, қолаверса, битта дарсликдан оиладаги фарзандларнинг 2-3 таси фойдаланиб, ота-оналар орттиқча сарф-харажатдан қутулишди. Бундай китоблар орасида 1-синф учун чиқарилаётган текин дарсликлар ҳам борлигини ҳисобга оладиган бўлсак, янгиларини тайёрлаш учун муаллифларга, безакчиларга, босмахонада теришларга бошқатдан тўлиқ ҳақ тўлаш харажатларидан халос бўлинади, мўмайгина маблағ иқтисод қилинади.

мўлжалланган дарсликлар орқали, энг аввало, болалар қалбини бадиёт жозибаларига шайдо қилишга эришмоғимиз жуда муҳим. Жаҳон тажрибаси кичикинтой ўқувчиларни инсоний муносабатлардаги гўзаллик ва қизиқликлар, табиат сехрлари, атрофдаги буюм ва жонзотларнинг сирли олами кабилар кўпроқ мафтун этиш-лигини исботлаган. Қуруқшоқ қишлоқлар, дабдабадор шеърлар болани ҳиссиётчанликка эмас, маддоҳликка ўргатади, унинг онгидега ўқур фантазия, эркин тафаккурни тарбиялай олмайди. Адабиёт дарсликларининг янада мазмундор бўлиши учун, Халқ таълими вазирлиги қўшида болалар адабиётининг жонқуяр мунаққидлари, болалар адиллари вакиллари билан иборат кенгаш ташкил этилиши зарурга ўхшайди.

Шулардан келиб чиқилса, аҳолимизнинг катта қисми шаҳарлардан четда яшашлигини назарда тутган ҳолда, вилотлардаги мактаблар кутубхонасини, қишлоқ кутубхоналарини тез фурсат ичида бадиий китоблар билан тўлдириш чоралари кўрилади. Бунинг учун катта маблағлар талаб этилиши сир эмас. Бу ишни ҳукматнинг бевосита кўмағисиз амалга ошириб бўлмайди. Лекин, қўшимча маблағлар топишининг ҳам имкони бордек кўринади. Масалан, у ёки бу дарсликлардан турли нуқсонлар топилиб, баъзилари деярли йилга, йил оша ўзгартириб босилмоқда. Ўзику, бу камчиликлар шомашошарлик туфайли содир бўлган экан, уларни тузатишда нега яна шомашошарлик қиланмиз? Дарслик бир босимидан, камчиликлари пухта ўрганилиб, янгисининг лойиҳа нусхаси жойлардаги айрим мактабларда синов тариқасида ўқитилиб пишири-

Бундан ташқари, халқ таълимини ривожлантиришга четдан ажратилаётган маблағнинг бир қисмини болалар учун бадиий китоблар чиқариб, кутубхоналарни тўлдиришга йўналтириш, ўзимиздаги иқтисодий бакуват корхоналарнинг ҳомийлик ёрдамларига таяниш имкониятлари ҳам мавжуд. Бу ишда, ё кутубхоналарга маҳаллий бюджетлардан ажратиладиган маблағларни марказлаштириш ёки ажратилган маблағларга сотиб олинishi шарт бўлган болалар адабиётлари рўйхатини жойларга олдиндан тақдим этиб, бажарилишини жиддий назорат остига олиш керак бўлади.

Барча туманларимиздаги китоб дўконларини, мактаб кутубхоналарини бойитишга астойдил киришиш лозимлигини ҳозирги вазият зудлик билан талаб этмоқда. Хар бир нашриётнинг фарзандларимизга аталган энг сербизак, энг мазмундор китоблар чиқариш борасидаги саъй-ҳаракатларини имкон қадар қўллаб-қувватлаган ҳолда, болалар адабиётига ихтисослашган «Чўлпон», «Ўқитувчи», «Шарқ» нашриётларининг бой тажрибасидан кўпроқ фойдаланмоқ ўринлидир. Етказмоқчи бўлаётган фикрларимиз барча фарзандларимизнинг онгига жо бўлишини истасак, болаларга аталган китоблар камида 30-40 минг нусхада босилмоғи даркор.

Яна бир нарсани таъкидлаш жоизки, болаларимизни бадиий адабиётлар оғушига қадамма-қадам етакловчи, айтиш чоғида, бадиий китоблар тақчиллигини қисман бўлсада сездирмай тура олувчи ягона восита адабиёт дарсликларидир. Бундай дарсликларда давлатчилигимиз рамизлари, қўлтуғ саналар, элқурт мадҳига бағишланган асарлар бўлишига табиийдир. Лекин, булар меъёрида бўлмоғи лозим. Айниқса, бошланғич синфларга

Мустақилликни қўлга кири-тиш саодатнинг бир бўлаги ҳолос. Мустақилликни фидойиларча асрай билиш, дунёдаги энг илгор халқлар билан тенгма-тенг қадам таш-лай олишга интилиш, «мен»лиги борлар даврасида алланиби ўтиришга лойиқ бўлиш билангина тўлиқ саодатга эришиш мумкин. Бунинг учун китобнинг кучига янада кўпроқ таянишимизга тўғри келади.

Одам кексайғач болага ўхшаб қолади, деганларидега унинг қайси жиҳатлари кўзда тутилмайди, билмадигу, саксондан сакраган Қулмат бобо Каримов (суратда)ни бир қарашдаёқ гўдакдек бөгубор феълли инсон эканлигини англаш қийин эмас. Оғзида қолган бир донга тиш эса гўдакнинг эндигина чиққан дури дандонига ўхшайди. Отақон юзидиги табассум унинг бугунги бахтиёр ва гаштли онларининг рамизи тисмоли. Тўғри, отақонни Қарши шаҳридаги «Наво» маҳалласи бақовули бўлгунга

Ташки иқтисодий алоқалар агентлигида Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш бўйича музокара-ларга тайёрлик жараёнида қишлоқ хўжалиги масалаларига бағишланган конференция бўлиб ўтди.

Музокаралар арафасида

Маълумки, Ўзбекистон 1994 йилда мазкур ташкилот аъзоси бўлиш истagini билдирганди. Ушундан бунён бу борадаги ишлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Анжуманда сўзга чиққанлар мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалиги бўйича салоҳияти, унинг мазкур ташкилотга аъзо бўлганда иқтисодий-тизмизга бўлажак ижобий таъсири шунингдек, аграр секторда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар

Ҳақида сўз юритдилар. Шунингдек, Ўзбекистон ташкилотга аъзо бўлиш юзасидан музокара-ларга мамлакатимиз аграр сектори тўғрисида керакли маълумотлар тайёрлаш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Конференция «Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги шериклик ҳамда ҳамкорлик битимини амалга оширишни қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси кўмағида ўтказилди. Ҳ. ШАРОПОВ (ЎЗА) олган сурат.



ЗИЙНАТ

Қадар турмуш машаққатларини кўп чекди, очарчиликни ҳам, қаҳатчиликни ҳам кўрди. Ота-онадан эрта айрилиб, етимлик азобини тортиди. Аммо умр бўйи элга элакишиб, уларини унутди. Яхши одамлар орасида камол топди. Болалари оғир кечса-да, кексайган чоғида ўнлаб наваро ва чеваралари даврасида кунлари хузур-халоватда ўтмоқда. Бундан ортиқ бахт, бундан-да улуг саодат борми? Бир инсон ҳаётидаги зийнат бундан-да сарбаланд бўлмас!

Ш. ШАРОПОВ (ЎЗА) олган сурат.

Сиёсий маданият

ЁШЛАР

Маълумотларга қараганда, юртимиз аҳолисининг 60 фоизидан ортигини ўттиз ёшдан ошмаганлар ташкил қилади. Бу бошқа мамлакатларнинг юртимиз кичиларидан икки ярим баробар кўп. Мазкур омирлар эътиборга олинб, мустақилликнинг илк йилларидаёқ, ёшлар тарбиясига давлатнинг бош сийсати сифатида қаралди. Мустақил давлатларнинг бирорта-

сида соғлом авлод тараққиёти учун махсус жамоат ташкилоти бўлмаган бир пайтда бизда, 1997 йилда «Соғлом авлод» жамғармаси тузилди. Ундан қўзланган асосий мақсад ёшларнинг сиёсий ва маънавий дунёқарашини такомиллаштириш, спортдан мамлакат ва миллатни улуғловчи восита сифатида фойдаланиш эди. Бу гоё ўзини оқлайпти.

Биз ёшларимизнинг сиёсий маданиятини ошириш тўғрисида гапирар эканмиз, аввало, сиёсий маданият нима, деган савол туғилади. Сиёсий маданият — бу хар бир фуқаронинг жамият ижтимоий гуруҳ ва қатламлари ҳамда давлатнинг ички ва ташқи сийсатини тушуниши қобилиятидир. Шунингдек, вазиятни таҳлил қила олиш даражаси, ўз ҳатти-харақатларини мустақил ра-

вишда сиёсий вазиятга ҳамоҳанг бошқара олиш ҳам маданиятдир. Маълумки, фуқароларнинг давлат ва жамоат ишларида фаол иштирокисиз демократик жамият куриб бўлмайди. Жараёнларга бевосита ва билвосита иштирок этиш орқали фуқаролар, жумладан ёшларимиз ҳам ўзларидега сиёсий қарашларни шакллантираётганликларини қувонч билан айтгимиз келади.

Ахир тарбия, ташвиқотда гап кўп-да. Фикримни далилламоқчиман. Хабарингиз бор, вояга етмаганлар ўртасида жиноят содир этиш бирмунча ташвиш келтирди. Айтиш жоизки, босиқлик билан вақтида олиб боришдан тушунтиришдан сўнг кўпгина ўсмирлар бу йўлдан қайтти. Шунинг натижаси ўлароқ жорий йилда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан вояга етмаганлар жинояти 2,27 фоизга камайди. Маълумки, ёшлар жамиятда руй бераётган ўзгаришларни тезда пайқайди. Ўзича таҳлил этади. Қийинчиликлар юзга келганда эса баъзан довидида қолади. Ўзини қўлга ололмаган чоғлари эҳтиросга берилиши ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам катта авлод зиммасидаги асосий вазифа ёшларни қатъиятли ва эътиқодли этиб тарбиялаш орқали тўғри

йўлга бошлашдир. Ёшлар маънавий етуқлигининг энг муҳим мезонларидан бири ватанпарварликдир. 2002 йили Марказий Осиё республикалари ёшларида ватанпарварлик туйғулари қай даражада шаклланиши тадиқотлар асосида ўрганилганда, Ўзбекистонлик йигит-қизлар энг олдинги ўринларни эгаллаган. Ёшларимизда ватанпарварлик туйғуси устунлигини айтди. Лекин бу хотиржамликка берилиш дегани эмас. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳам йигит-қизларнинг давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлигини қучайтириш йўлларини қайта ўйлаб кўришлари керак назаримизда. Майсара ҲАЗРАТОВА, Навоий шаҳри

Хусусий сектор ривожини

Кеча республика Товар-хомашё биржасининг кўргазмалар марказида Кичик бизнес субъектларини моддий-техника ҳамда хомашё манбалари билан таъминлаш, мини ускуна ва жиҳозлар ишлаб чиқараётган корхоналар билан тузилаётган шартномаларнинг кафолатларига бағишланган ярмарка иш бошлади. Уч кун давом этадиган ушбу ярмаркада мамлакатимиздаги дипломатик корпус вакиллари, ишбилармонлар, сармоядорлар иштирок этмоқда. Тадбир Республика товар хомашё биржаси, Хитой фан ва техника маслаҳат маркази, «CNTIC TRADING CO LTD» компаниялари билан ҳамкорликда ташкил этилди. — Ўзбекистон билан иқтисодий, маданий соҳалардаги алоқаларини узоқ ўтмишга бориб тақалади, — дейди Хитой делегацияси раҳбари, «CNTIC TRADING CO LTD» компанияси раҳбари, жаноб Хуан Шао Дзен. — Бизнинг ҳамкорлигимизни Буюк Ипак йўли боғлаб турган. Бугун ана шу ҳамкорлик ришталари тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Ярмаркада ишлаб чиқариш цехлари учун ихчам технологиялар, халқ хўжалиги маҳсулотлари ҳам тақдим этилмоқда. Мавжуда ХОЛМАТОВА.

Валюта ва қимматли қоғозлар биржаларида Долларнинг курси тушмоқда

Ўтаётган ҳафтанинг чоршанба кунини жаҳон валюта бозорларидаги савдоларда қутилмаганда долларнинг курси пасайиб кетди. Таъкидлаш жоизки, евро муомалага киритилган пайтдан бери долларнинг курси бу қадар пастлаб кетмаган эди. Уша кунги Осиё биржаларида савдоларда 1 евро учун 1,1975 долларгача тўланди. Экспертларнинг фикрига қараганда, Америка валютасининг пасайиши ҳали давом этади. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, доллар курсининг бу қадар пасайиб кетишига асосий сабаблардан бири, Буш маъмуриятининг мамлакатга олиб кирилаётган Хитой тўқимачилик маҳсулотларига қўшимча тариф қўйилганида деб баҳоланмоқда.

Акциянинг бозори касо

Россия фонд бозорларидаги аҳвол ҳам кундан-кун ёмонлашмоқда. Сешанба кунги савдо натижаларига кўра РТС индекси белгиланганидан 500 пунктга пастлаб кетди. Бу кўрсаткич 5 ой аввалги даражага тенгдир. Биржалардаги ҳаяжонли ва қувончли кечган, яъни савдоларда акцияларнинг нархи 650 пунктгача кўтарилиб, индекснинг ўсиши бир кунда 3,5 фоизгача қиққанни мутахассислар: «Ха, энди у кунларни унуттиш керак», дейишмоқда. «Коммерсант» газетасининг ёзишига қараганда, «...» «акциялар баҳосининг бу қадар пасайиб кетишига сабаб, уларга харидорнинг йўқлиғидир ва бу ҳолат қанчагача давом этишини ҳеч ким айтолмайди. Бўлиб ўтган савдо натижаларига кўра, «Россия ЕЭС» акциядорлик жамиятининг акциялари 7 фоизга, ЮКОСнинг қимматли қоғозлари нархи 5,3 фоизга тушган. Экспертларнинг фикрига қараганда, ЮКОС ва «ЕЭС Россия» акциялари нархининг пасайиб кетиши ўзидан қимматли қоғозлар портфелини қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Хоризк матбуоти асосида С. ҲАЙДАРОВ тайёрлади.

Болгария — юракка яқин юрт

Болгария Республикаси Жануби-Шарқий Европада жойлашган давлат. Ҳудуди — 100910 квадрат километр. Аҳолиси 8,88 миллион одам. Аҳолининг этник таркиби 83,6 фоизи болгарлар, 9,5 фоиз турклар, 4,6 фоизи лўлилар ва қолган 2,3 фоизи бошқа миллат вакилларида иборат. Пойтахти — София шаҳри.



Вақт ўтиши билан бу сиёсий куч ҳам халқ ишончини йўқота бошлади. 2002 йил сайловлари ақинлашган сари Демократлар оубруги маъмуриятдаги ишчилар даражаси ошиши ва турли мижозлар рўй бериши оқибатида пугур ета бошлади. Охир-оқибатда сайловлар мутлақо қўтилмаган натижа билан тугади. Парламентдаги етакчилик собиқ қирол Симеон иккинчи Миллий ҳаракати

Давлат ўз мустақиллигини 1908 йилда қўлга киритган.

Болгария бош вазир лавозимини собиқ қирол эгаллаган ягона давлатдир. Қачонлардир бадаврга қилинган Симеон Иккинчи президентликка ўз номзодини қўй олмаган бўлса-да, унинг Миллий ҳаракати парламентда салмоқли ўринни эгаллашга эришди. Шу боси у бош вазир этиб сайланди.

Умуман олганда, Болгарияда давом этаятган демократик жараёнларда бундан бошқа ҳам кўпгина қўтилмаган «туғфа»лар мутахассислар диктатини тортмоқда.

Болгар халқлари тарихини муаррихлар мустақиллик учун абадий кураш деб номлади. Чунки мамлакат XI асрда Византия, XIV-XVIII асрларда эса Усмонийлар империяси таъсирида бўлган.

1944 йилдан 1989 йилгача Болгарияни коммунистик партия етакчиси Тодор Живков бошқариб келди. У Шарқий Европа бўйлаб бошланган сиёсий ислохотлар шамолини ўз юртига йўлатмасликка ҳаракат қилган бўлса-да, 1991 йилда Демократик кучлар иттифоқи (ДКИ) сайловларда ғолиб чиқди. Демократик кучларнинг тўла ус-

тунлиги эса шу йилнинг кунда аҳолининг бир ҳафталик норозилик намойишларидан сўнггина ўрнатилди. Тобора чиғаллашиб бораётган иқтисодий инқироз, авж олаётган жиноятчилик ва порахўлиқдан тоқати-тоқ бўлган одамлар 1996 йилнинг ноябрь ойида бир ҳафта давомидида кўчаларда намойиш ўтказиб ҳўкмон Болгария Социалистик партияси (БСП)ни парламент сайловларини келаси йилга белгилашга мажбур этди. Бир ойдан сўнг БСП етакчиси Жак Виденов истеъфога чиқди. 1997 йил апрелда Демократик кучлар иттифоқи сайловчилар овозининг 52 фоизини ва парламентдаги 240 ўриндан бир юз ўттиз етти-тасини қўлга киритди.

қин бурилишларга дўчор бўлмайдиган муайян тизим эллақон ишлаб бошлаган. Ҳокимият бўғинлари бир-биридан мустақиллиги, муҳолифат кучлар мувозанатини сақлаб туриши ҳамда фуқаролик жамияти шаклланиши бу тизимнинг узвий қисмидир. Қолаверса, халқ сайловларда тақлиқ этилаётган истиқболлар тош-тарозусини ўлчаб кўриб, ўзининг эркин иродасини билдирган.

Шундай бўлса-да, мамлакатда бошқарув тизимини янада тақомиллаштириш йўлида ўтган йилдан бери конституцияга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги муҳокамалар жамоатчилик орасида жамланб қолган. Таъкидлаш жоизки, Болгарияда ҳокимият марказлашувдан анча йироқ, Хусусан, Президент ваколатлари сезиларли даражада қечланган. Давлатда асосий ҳал қилувчи ролни бир палатали ва аҳолининг барча тоифалари вакиллари тенг намоён бўлган парламент ижро этади. Шунда ҳам, маҳаллий ҳокимият ваколатларини кенгайтириш, суд ҳокимияти ис-

лохотларини олиб бориш ва умуман, бошқарув тизимини янада демократлаштириш атрафида баҳслар кетмоқда. Бу сиёсий фаоллик ва демократик кайфият эллақон одамлар онига сингиб кетганидан далолатдир.

Болгария ва Ўзбекистон ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1992 йилдан бошлаб йўлга қўйилган. Икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. 1998 йилда Президентимиз Ислам Каримов Болгарияга ташир буюриб Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзолади. Дастлабки йилларда икки мамлакат орасидаги товар айрибошлаш 10 миллион долларни ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда бу миқдор 50 миллиондан ошиб кетди.

Айни пайтда Ўзбекистонда 40га яқин ўзбек-болгар қўшма корхоналари рўйхатга олинган. Болгарияда эса учта болгар-ўзбек қўшма корхоналари фаолият юрғитмоқда. Шунингдек, икки мамлакат коммуникация, транзит ва туризм каби соҳаларда ҳамкорлик қилади. Шу пайтгача икки мамлакат ўртасида 13 та ҳўкumatлараро ва муассасалараро ҳўжатлар имзо саналаро.

Динара ДЎЛАЕВА.

Жорж Буш Буюк Британияда

Буюк Британия қиролчаси Елизавета II Лондонга расмий ташир буюрган АҚШ президенти Жорж Бушни қўтига олди. Қиролча президентга вазирилари ва бошқа мансабдор шахсларни таништирди.



Мехмон шарафига Букингем саройи рўпарасидан 41 та қуролдан артиллерия мушаги отилди. Буш ташири давомида Афғонистон ва Ироқда жанг қилган ҳарбийлар, шунингдек, Британия бош вазири Тони Блэр билан учрашди. Жума кун эса Тони Блэр сайлов округида Британия жамоатчили-

ги билан учрашуви режалаштирилган. Лондонда амалга оширилиши мумкин бўлган террорчилик ҳаракатлари ва норозилик намойишларининг олдини олиш учун қатъий чоралар қўрилмоқда.

Скотланд-Ярдда ҳавфсизлиқни таъминлаш учун саккиз ярим миллион доллар сарфланди. Унга беш мингга яқин полициячилар жалб қилинган.

ВВС

Навбатдаги хунрезлик

Кеча Туркияда яна бир террористик ҳаракат амалга оширилди. Ушбу хунрезлик оқибатида яна 15 киши ҳаётдан қўз юмди.

Туркия ҳўкumати матбуот котиби Истамбулдаги Британия консуллиги ва HSBС банки олдида икки портлаш бўлганини тасдиқлади.

Унинг сўзларига қараганда, портлашлар оқибатида консуллик ёнида 3 одам, банк олдида эса 2 одам ҳалок бўлган, жароҳатланганлар сони 330 нафардан ошиб кетди.

Lenra.ru

Бино қамалга олинди

Ҳинд ҳарбий қўшинлари Сринагаре шаҳрида бир неча айирмачилар беркиниб олган уйни ўққа туттишмоқда. Уч кундан бўён давом этаётган бино қамали деярли яқунланди. Бирок полициянинг айтишича, жиноятчиларнинг бир нечаси қўшни уйлارга қочиб улгурган.

Reuters.

Япониянинг учар поездлари

Японияда поезд тезлигини ошириш борасида рекорд ўрнатилди.

Токионинг жануби-ғарбида жойлашган Яманаси префектураси трассаларидан бирида тажриба ўтказилганда, уч вагонли электр поездининг тезлиги соатига 560 километрга етди. Бу 1999 йил апрелда рўйхатга олинган натижадан 8 километр кўп.


«Жей-Ар Токай» темир йўл компаниясининг маълум қилишича, поезд ҳайдовчисиз, назорат нуктасидан кампьютер орқали бошқарилган.

Катта тезликда «учган», юқори волтли магнит ёстиқчалари орқали ҳаракатланган поезд ердан 10 сантиметргача кўтарилди ва йўлнинг 18 километрини бешовқон атиги икки дақиқада босиб ўтди.

Мутахассисларнинг фикрича, кейинги тажрибада поезд тезлиги соатига 580 километргача оширилди.

Маъкур поезд бир неча кун аввал ҳам ўзига хос рекорд ўрнатганди. У кун давомида йўловчи ташиб, умумий ҳисобда 2876 километр йўл босди. Бу кўрсаткич энг сўнгги натижадан 300 километр кўп ҳамда 2001 йилда қайд этилган рекорддан икки баробар ортиқдир.

(ЎзА).



ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Кейинги пайтда Ироқнинг Бағдод, Басра ҳамда Мосул шаҳарларида халқаро тинчликпарвар кучларга қарши уюштирилаётган турли ҳўжумлар, норозилик намойишлари, маълум маънода, ироқликларга мустақил бошқарув бериш жараёнини тезлаштирди.

ва Буюк Британия иттифоқи кучлари шафелигида мамлакат олий ҳўкumатини шакллантиради. Бун-

ИРОҚДА НИМА ГАП

Яқинда Ироқ Бошқарув Кенгаши мамлакатда фаолият олиб бораётган Вақтинчалик коалицион маъмурият билан биргаликда ҳокимиятни Муваққат ҳўкumатга топшириш жараёни 2004 йил июль ойигача тугалланиши ҳақида келишиб олишди.

«Сиёсий жараён тўғрисидаги битим»ни АҚШнинг Ироқдаги маъмурий бошқарувчиси Пол Бремер ҳамда Бошқарув кенгаши вакили Жалол Талабоний имзоладилар. Битимга мувофиқ, белги-ланган муддат ичида сиёсий органлар мамлакат асосий қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, қабул қилиши, ҳавфсизлиқни таъминловчи механизм яратиши, ўтиш даврида Миллий ассамблеяни шакллантириши лозим.

Шунингдек, Миллий ассамблея аъзоллигига сайловлар 2004 йил 31 майгача бўлиб ўтиши керак ва у таркиби топгач, Бошқарув кенгаши ўз ва-

колатини топширади. Бундан ташқари, 2004 йил 30 июнгача ассамблея Ироқдаги ҳокимиятни тўлиқ бўйнига олади ва Вақтинчалик коалицион маъмурият ҳам тарқатиб юборилади.

Битимда конституцион қурултой делегатлари ироқликлар томонидан 2005 йилнинг 15 март кунини сайланиши лозим. Ўтиш даври 2005 йилнинг 31 декабрь кунини янги конституцияни ратификация қилиш бўйича умум-халқ референдуми ва Ироқнинг янги ҳўкumати-га сайловлар ўтказилган-дан сўнг поёнига етади.

Битим матни билан танишиб чиқадиган бўлсак, унда Асосий қонун ишлаб чиқишда Бошқарув кенгаши Вақтинчалик коалицион маъмурият раҳбарияти билан келишган ҳолда иш юритади ва Ироқнинг Ўтиш даври маъмурияти тузилмаси ҳамда ваколат-лари аниқланади.

Асосий қонунга асосан Бошқарув Кенгаши АҚШ

дан ташқари, сўз эркинлиги, халқ ҳокимиятининг қонунийлик жараёнларида фаол иштирок этишини таъминлаш ҳамда бутун ироқликлар диний эътиқоди, жанси, этник келиб чиқишидан қатъий назар қонун олдида барча тенг эканлиги кафолатланиши Асосий қонунда ўз аксини топиши батафсил кўрсатилган.

Коллин Пауэллнинг таъкидлашича, ҳокимият ироқликлар қўлига ўтиши мамлакатдан иттифоқи кучларнинг тарқ этишини билдирмайди.

— Коалиция кучларининг чиқиш кетиши узоққа чўзилмайди. Қачонки мамлакатда демократик тамойиллар қарор топиб, Ироқ халқи ўзини ўзи тўлиқ идора этиш имкониятига эга бўлгандагина, четдан аралашув барҳам топади, — деди Жорж Буш Би-Би-Си мухбирига берган интервьюсида.

Юнус БЕК.



Франция. Пафайет галереясида янги йил байрамолди тадбирлари бошланди.


«ЙЎЛ ХАРИТАСИ»

бажарилиши мажбурий мақомга эга бўлди

БМТ Хавфсизлик Кенгаши Яқин Шарқ муаммосини бар-тароф этишга қаратилган «Йўл харитаси» режасини маъқуллади. Мазкур режа халқаро воситачи «тўртлик» — АҚШ, Россия, Европа Иттифоқи ва БМТ томонидан ишлаб чиқилган.

Ушбу масала бўйича резолюция лойиҳаси Хавфсизлик Кенгашига Россия томонидан киритилган эди. Унинг ташаббусини ЕИГА кирувчи давлатлар ҳамда Хитой, Мексика ва Чили делегациялари вакиллари ҳам қўллаб-қувватладди.

Айтиш лозимки, Россия киритган лойиҳани тайёрлашда Франция ва Чилидан



нинг қабул қилиниши ўз вақтида ташланган қадам эканини таъкидлаб, энди бу ҳўжат дунёдаги тинчлик ва тартибни сақлаб туришга масъул бўлган асосий халқ-



ари Ариэл Шарон бу резолюцияни мамлакатта нисбатан «адоват» деб баҳолади.

«Йўл харитаси»нинг БМТ ХК тасарруфига ўтказилиши Исроил учун ўта жид-дий муаммо. Исроил ушбу ҳаракатга кескин қарши. Бун-дай йўл туттиш режани ҳам ҳавф остига қўйди. — деди Бош вазир.

Кузатувчиларнинг айтишларича, ушбу резолюция мажбурий мақомга эга бўлди. БМТ Хавфсизлик Кенгаши ҳам Исроил ва Фаластин томонларини резолюцияни бажаришга чақирди.

Лекин Исроил Бош вази-

Салим ДОНИЁРОВ.

БАРҚАРОР БИЗНЕСГА ЭГА БЎЛИШНИ ҲОҲЛАЙСИЗМИ? У ҲОЛДА БИЗНЕС ҲАҚИДАГИ ВА БИЗНЕС ЖУРНАЛИ «ПрессТИЖ» ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

«ПрессТИЖ» журнали - Ўзбекистондаги энг йирик ва машҳур каталогдир. Ҳар ҳафтада OFFERS рубрикаси остида 500 дан ортиқ модул эълонлари ва 1000 дан ортиқ тақлифлар, шунингдек: автомобиль бозорининг энг охириги янгиликлари, уяли алоқа ва юқори технологиялар, бизнес-гороскоп, маркетинг ва менеджмент бўйича мақолалар ва бизнес ҳақидаги ҳамда бизнес бўйича бошқа материаллар.

«ПрессТИЖ» журналига обуна бўлиш Сизнинг бизнесингизга бўлган энг аъло инвестициялардир



Подписка на журнал «ПрессТИЖ» — отличные инвестиции в ваш бизнес.

Журналнинг ўқувчилар доираси-мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ва мутахассислари, давлат бошқаруви органлари ходимлари, бизнесменлар, тадбиркорлар.

2004 йил учун «ПрессТИЖ» журналига обуна бўлиш билан бирга Сиз:

- «ПрессТИЖ- Экспресс» - хорижий ахборот воситаси дайджести,
- «ПрессТИЖ - Менеджер» - раҳбарлар учун илова,
- Халқаро кўргазмалар юзасидан журналнинг махсус мавзуларга оид сонларини олиб турасиз.

Обуна исталган почта бўлимида амалга оширилиши мумкин. Ўзбекистон вилоятларида обуна бўлиш ва нархлари юзасидан саволлар бўйича маҳаллий почта алоқа бўлимлари муурожаат этинг.

«ПрессТИЖ» журнали ҳар бир бизнесмен ва тадбиркор учун зарурдир!

Журнал «ПрессТИЖ» — самый крупный и известный каталог в Узбекистане.

Свыше 500 модульных объявлений и 1000 предложений в рубрике OFFERS, еженедельно, а также: самые последние новости авторынка, сотовой связи и высоких технологий, бизнес-гороскоп, статьи по маркетингу и менеджменту и другие материалы о бизнесе и для бизнеса.

Читательская аудитория журнала — руководители и специалисты предприятий и организаций всех форм собственности, работники органов государственного управления, бизнесмены, предприниматели.

Подписавшись на журнал «ПрессТИЖ» на 2004 год, вы также будете получать бесплатные приложения:

- «ПрессТИЖ-Экспресс» — дайджест зарубежной прессы,
- «ПрессТИЖ-Менеджер» — приложение для руководителей,
- Специальные тематические выпуски к международным выставкам.

ОФОРМИТЬ ПОДПИСКУ МОЖНО В ЛЮБОМ ПОЧТОВОМ ОТДЕЛЕНИИ СВЯЗИ. ПО ВОПРОСАМ СТОИМОСТИ И ОФОРМЛЕНИЯ ПОДПИСКИ В ОБЛАСТЯХ УЗБЕКИСТАНА ОБРАЩАЙТЕСЬ В МЕСТНЫЕ ПОЧТОВЫЕ ОТДЕЛЕНИЯ СВЯЗИ.

Журнал «ПрессТИЖ» нужен каждому бизнесмену и предпринимателю!

«Португалия — 2004»: ОМАДЛИЛАР, МАРҲАБО!

Ўтган кун барча футбол ишқибозларининг диққат маркази «Евро-2004» финал йўлланмаларини қўлга киритиш учун курашга отланган 10 терма жамоа ўртасида кечган мурасиби жавоб уйинларига қаратилди.

Дунёдаги баҳса Москвадаги «Локомотив» стадионидан 0:0 ҳисоби билан қайтган уэльсликларнинг Кардиффдаги уринишлари зоо кетди. Асосий дарвозабон Сергей Овчинников ва етакчи футболчи Александр Мостовойсиз тўп сурган Россия терма жамоаси 1:0 ҳисобида галабага эришди. Шундай қилиб, Георгий Ярцев «жар ёқасига» келиб қолган терма жамоани «Португалия-2004» иштирокчисига айлантди.

Хорватия ҳам бу борада рақибидан тажрибаси кам эмаслигини кўрсатиб қўйди. 61- дақиқада Пршо

Испания терма жамоаси Норвегия устидан галаба қозониб, китъа чемпионатида борадиган бўлди. Дунёнинг учинчи жамоаси — Туркия эса дастлабки уйинда 0:1 ҳисобида Латвияга ютказганлиги ишқибозларга маълум. Жавоб учрашувидаги 2:2 ҳисоби Болтиқбўйи футболчилари фойдасига бўлди. Нидерландия мехмонда Шотландиядан мағлубиятга учради. Аммо улар жавоб уйинида шотландларни аянчли аҳволга солиб қўйишди. Буюк Британия жамоаларида тўп сураётган Снейдер, Озуер, де Бурилларнинг биттадан ҳамда Рууд ван Нистелройнинг 3 та тўпига жавоб қайтаролмадилар.

ДИЛМУРОД.

Хочешь иметь устойчивый бизнес? Подпишись на «ПрессТИЖ» — журнал о бизнесе и для бизнеса!

ЎЗБЕК ФОТОЖУРНАЛИСТЛАРИ НЕГА САНОҚЛИ?

Яқинда Канаданинг Торонто шаҳрида бўлиб ўтган "2003 йил дунё матбуоти суратлари" кўргазмаси ҳақидаги хабарни ўқиб, тўғриси, ярамга туз сепилгандай бўлди. Чунки ўзбек фотомужбирлари орасида кўнгилдагидай сурат тушура оладиган, ўз ишига ижодий ёндаша биладиганлари саноқлигина, холос. Шунинг учун ҳам битта фотомужбирнинг яхши сурати газеталаримиз ўртасида йиллаб айланиб юради...



Мулоҳаза

шахслар қизиқтиради".

Бу гаплар эса бизни яна уйлантириб қўяди. Яхши сурат ҳақидаги юқоридаги мулоҳазаларимиз ҳали масаланинг кичик бир қисми эканлиги, деган хулосага келасанми. Ахир бу ўринда гап газета сифатини қўйиб, ёрқинроқ кўрсатиш ҳақида эмас, балки инсон маънавияти, руҳият тарбиясига бориб тақалмоқда. Биз ҳали шунчаки газета чикариш учун сурат излаб бош қотириётган бир пайтимизда, кимлардир яхши сурат билан дунёни жилслаштириш қайғусини қилмоқда.

Аммо бир нарсасига хурсанд бўлишимиз керакки, бир ёмоннинг бир яхши томони ҳам бор, деганларидек, биздаги яхши суратга бўлган чанқок ўрнини аллақандай юлдузлару таниқли шахсларнинг суратлари ҳам эгаллаб олганича йўқ ҳали. Ўзгаларга ҳамдардлик туйғуси ҳаммамизнинг қалбимизда жўш уриб турибди. Лекин бу бефарқлигимиз учун асос бўла олмайд.

Спарк хоним ўз фикрларини яна бошқа бир мисолда исботламоқчи бўлади. Яъни, кўргазмадаги Россия ҳаётини акс эттирувчи ягона суратда "Норд-Ост" да гаровга олинганлар ўтирган автобусдаги аёл акс этган бўлиб, (суратни "Санди телеграф" учун ишловчи инглиз фотомужбири Жастин Сатклиф туширган), Леслининг айтишича, намоёнига келган бирорта одам ўша аёлнинг ҳозир ҳаёт ё ҳаёт эмаслиги билан қизиқмаган. "Айтдим-ку, — дейди Лесли Спарк тақорлаб, — канадаликларни кўпроқ таниқли

лар". Мазкур танлов-кўргазмада суратлари дунёнинг хошлаган бурчагидаги фотомужбир ўзи журналист сифатида тавсия этиши, шунингдек, улар агентлик, газета, журнал ва веб-саҳифалар томонидан ҳам йўллангани мумкин.

Торонтода эса журналистик фотосуратлар кўргазмаси иккинчи мартаба ўтказилди ва бунинг сабабини кўргазма координатори Лесли Спарк куйдагича шарҳлайди:

"Канада ва Америка матбуотини турли таниқли шахслар билан боғлиқ суратлар кўпроқ жалб этади. Аҳолини ҳам Африканинг қайси бир бурчагидаги кундалик ҳаётни акс эттирувчи суратдан кўра қайсибир шахсда ёки кино-юлдузнинг сурати кўпроқ қизиқтиради. Бундай олганда, биз ўзгалар гамига нисбатан кар ва кўр бўлиб қолдик. Бугунги кўргазмада намоёниш

Албатта, бу муаммонинг ечими фақат фотожурналистика билангина боғлиқ эмас. Аммо бугунги мақоламиз фотожурналистика ҳақида бўлгани боис мавзудан ўзоқлашмаган ҳолда, муаммонинг ана шу қиррасигагина тўхталсак ноўрин бўлмас.

Бу борада сўз юритганда эса бир савол кўндаланг бўлади. Хўш, бизда ўзи профессионал фотожурналистлар қаерда тайёрланади? Афсуски, бу саволга "ҳеч қаерда" деб жавоб берган одам кўпмак деб қилмаган бўлади. Чунки бизда қандайдир пуллик курслардан бошқа, умуман сураткаш тайёрлайдиган жойнинг ўзи йўқ. Олий даргоҳларнинг журналистика факультетларида ўтиладиган фотожурналистика курслари эса фотожурналист тайёрлашга эмас, кўпроқ бўлажак журналистларни фотография сирасорлари билан хабардор қилишга қаратилган, холос. Демак, бугунги бармоқ билан санарли фотожурналистларимиз шунчаки ўз иқтидорлари туфайлигина мавжуд. Ҳозирча фотомужбирларимиздан ўпқалишимиз эмас, уларнинг ҳақида бош қотириб кўрадиган вақт аллақачон этган. Эҳтимол, журналистик факультетлари қошида ёки таркибда фотожурналистлар тайёрлайдиган бўлимлар ташкил этиш керакдир.

Балки муаммони бартараф этишининг бошқа йўллари ҳам бордир. Энг муҳими, бу ҳақда бош қотиришда, фикрларни жамлаб, муаммога ечим қидиришда.

Нурбек ТОШНИЁЗ, журналист.



ТАЭКВОНДО ХАЛҚАРО МУСОБАҚАЛАР

олдидан эришилган муваффақият

Мамлакатимиз спортчилари ҳар қандай халқаро мусобақаларда ҳам соғиндорлар сафидан жой олишга ҳаракат қилишди. Яқинда Қозғистоннинг Семипалатинск шаҳрида таэквондо (ITF) бўйича бўлиб ўтган халқаро турнирда ҳам ана шундай ҳолат кузатилиди. Россиядан 4 та, Қозғистондан 9 та, Қирғизистондан 2 та жамоа иштирок этган "7 оила" мусобақасида таэквондочиларимиз 6 та олтин, 5 та кумуш ва 7 та бронза медални қўлга киритишди.

Жамоамиз ҳақида билдирган ижобий фикрлари бизга янада масъулият юкледи. Айтиш мумкинки, буни ҳис қилган спортчиларимиз ҳам татамида бор маҳоратларини ишга солишди. Айниқса, халқаро тур-

хам иккита медал эгасига айланди. У яққалик "жанг"ларда учинчи ўрин билан кифояланган бўлса, жамоавий курашларда шохсупанинг энг юқори погонасига кўтарилди.

Олдимида шу йилнинг 6-7 декабрь кунлари Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган катталар ўртасида Европа очик чемпионати турибди, — дейди Пўлат ака. — Чемпионатга айни пайтда шогирдларимиз белгиланган жадвал асосида тайёргарлик кўришмоқда. Ундан аввал эса, яъни 22

ноябрда Наманганда ёшлар ўртасида республика биринчилиги бошланади. Ушбу мусобақа давомида келаси йили Малайзияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида катнашадиган спортчиларни саралаб оламиз.

Дилмурод ПАРПИЕВ, "Халқ сўзи" мухбири.



O'ZSANOATQURILISHBANK
Кўпларни танишади — муносибларни танлашади!

D-AMPS GSM UZDUNROBITA first cellular

Абонентлар сони

| Йил | Абонентлар сони |
|------|-------------------------------------|
| 1992 | 500 абонент (NMT) |
| 1994 | 1500 абонент (AMPS) |
| 1997 | 15 000 абонент (AMPS/D-AMPS) |
| 2002 | 50 000 абонент (AMPS/D-AMPS) |
| 2003 | 140 000 абонент (AMPS/D-AMPS + GSM) |

Станциялар сони

| Йил | Станциялар сони |
|------|---------------------------------|
| 1992 | 1 станция (NMT) |
| 1994 | 3 станция (AMPS) |
| 1997 | 25 станция (AMPS/D-AMPS) |
| 2002 | 125 станция (AMPS/D-AMPS + GSM) |
| 2003 | 215 станция (AMPS/D-AMPS + GSM) |

NEW! GSM тармоғининг кенгайиши: Бухоро вилоятида - Когон ва Қоровулбозор шаҳарлари, Фарғона вилоятида - Олтиариқ ва Риштон шаҳарлари.

Доимий тараққиётга бирлашинг!

ТОШКЕНТАДАГИ СЕРВИС МАРКАЗИ МАНЗИЛИ: УСМОН ЮСУПОВ КЎЧАСИ, 16-ЧЙ ("ААВЗАК")

130 09 09, 13 1 09 09, 103 09 09

"ЎЗДУНРОБИТА" ҚҚ ТЕЛЕФОНЛАРИДАН - 8 11

WWW.UZDUNROBITA.UZ

КОМПАНИЯНИНГ ВИЛОЯТЛАРДАГИ БЎЛИМААРИ:

АНДИЖОН: (21290909); БУХОРО: (21270909); ЖИЗЗАХ: (21279909); НҲҚС: (21210909); ҚАРШИ: (21290909); САМАРҚАНД: (21280909); НАВОЙ: (21280909); НАМАНГАН: (2120909); ТЕРМИЗ: (21299909); ГИЛАНИСТОН: (21240909); ФАРҒОНА: (21210909); ИРГАНЧ: (21216309); БАМАЛИК: (61180909); ВЕКОВОД: (9123455); ДЕНОВ: (4119909); ЧИРЧИК: (7189909); ЯҒҒИЙО: (6040909); ШАҲРИСАВЗ: (2121900); ҚЎҚОН: (8170909); ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНТИРИЛГАН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИ!

2003 йил 29 ноябрдан бошлаб, ҳафтада бир мартаба №232/231 йўловчи поезде Тошкент-Саратов йўналиши бўйича қатнай бошлайди.

Поезд шанба кунлари соат 11.10да «Тошкент-марказий» станциясидан жўнайд.

Сиз йўл чипталарини 20 кун аввал республиканинг темир йўл кассаларидан сотиб олишингиз мумкин.

Сизга хизмат кўрсатишдан мамнунмиз.

«Ўзтемирйўл» ОАЖ маъмурияти.

ҒИШТ ЗАВОДИ

Мақолами мубтаҳассисларни юқори таълим ишга тайёрлайди:

- механик;
- технолог;
- қўйдирувчи-пиштурувчи;
- энергетик ёки электрик;
- бозак учун ғишт ишлаб чиқариш технология;
- электросозловчи;
- T-130 га бульдозерчи;
- 30-1001 га экскаваторчи;
- Тошкент вилоятидан мавсумий ишчилар;
- «КамАЗ» ҳайдовчиси (Юнусобод туманидан);
- «Дамас» ҳайдовчиси (Юнусобод туманидан).

Шунингдек, ишнинг техникасини сотиш бўйича инглиз ёки немис тилини билладиган менежер.

Қабул бўлмаган ҳажмларда 3-4 миллиметр қалинликдаги зангламайдиган пўлат сотиб олаёти.

Телефон: 182-16-34.

КАРБИД КАЛЬЦИЯ

Фракции φ 25 + 80

700 сўм/кг

Оптовым покупателям предоставляются СКИДКИ

ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИЛЕР СП «ОСИЁ-БАТАРЕЯ»

АВТОШИНЫ И АККУМУЛЯТОРЫ

(пр-ва «Нижнекамшина») (пр-ва СП «Осиё-Батарея»)

- 260 X 508R (к-т) грузов. 12V (36,60,72,90,105,132,150,190, 200) по цене завода изготовителя.
- 7,5 X 20 (шт.) о/х шины 200)

Т.: 133-56-11, 133-55-61. Ф.: 133-89-09, 133-89-15.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати жамоаси масъул ходим Фаррух Ризаев отаси **Маскар РИЗАЕВ**нинг вафот этганиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Фарғона вилояти Бағдод телевиденисини ижодий жамоаси Фозуржон Мирзаевга отаси **ОМИНАХОЙ** янини вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўздоммаксүлот» Давлат акциядорлик корпорациясини ижро девони ва жамоаси Фозуржон Мирзаевга отаси **Оминахои ва МИРЗАЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Аббасхон УСМОНОВ

Ташхир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Доғай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Сайдов (бош муҳаррир ўринбосари вазифасини бажарувчи — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, О. Қашиберенов, А. Хайдаров, Ҳ. Қошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Рўйхатланган ўқити тартиби № 00001 Буюртма Т — 0066, 22598 нускада босилган. Эълон — 2 табоқ. Объект усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Газета ИВМ компьютеризация терлини ва оператор Жамшед ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланган. Ташхириятда ҳажми 5 қоғоздан эиел материаллар қабул қилинамайди. Ғ-Тижорат материалли

● МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Хамидов. Навбатчи муҳаррир — Ф. Саидов. Навбатчи — М. Жонхонов. Мусаҳҳих — Ш. Матраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахоноси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топишириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.30 2 3 4 5 6